

**БОШЛАНГИЧ СИНФЛАРДА ТАРБИЯ ФАНИ МАЗМУНИ ВА
МУЛОҲАЗАЛАР.**

Бахтияр Ишбаевич Каюмов

Ангрен Университети Педагогика ва психология кафедрасининг доценти

Гаппарова Мастона Сафаралиевна

Ангрен Университети Педагогика ва психология кафедраси уқитувчиси

Аннотация: *Мақолада таълим мазмуни, уни тўғри белгилаш, ўқув элементларини тўғри танлаш ва адабиётлардан самарадорли фойдаланиш ҳамда таълим-тарбия методларидан оқилона фойдаланиш масаласи ёритилган.*

Аннотация: *В данной статье о роли содержания педагогического процесса, оптимальный выбор учебных элементов для содержания учебного материала и плодотворное использование методов обучения и воспитания*

Калит сўзлар: *таълим жараёни, таълим мазмуни, ўқув элементлари, педагогик таъхис, асосий адабиётлар, методлар, таълим воситалари.*

Ключевые слова: *педагогический процесс, содержание образования, учебные элементы, педагогическая диагностика, основные литературы, методы, средства обучения.*

Маълумки, таълим жараёнининг асосий мақсади таълим мазмуни элементларини педагогик масадлар асосида белгиланган таълим методлари, воситалари ва шакллар ёрдамида ўқувчилар онгига етказишдан иборат. Таълим жараёнида ўзлаштирилган билим, кўникма, малакалар педагогик жараённинг самарадорлигини белгилайди.

Ўзлаштириш элементлари деганда фан объектида белгиланган ўқув элементларини тушунамиз. Педагог ҳар бир дарсда нимани ўқитмоқ керак? масаласини пухта, ҳар томонлама ҳал эта олиши лозим. Бунда у ДТС, ўқув дастури ва замонавий адабиётлар, ахборот материалларидан ўринли фойдаланиши лозим. Педагог бир неча вариатив дарслик, қўлланмалар билан танишиб чиқиши, таълим мазмунини ташҳислаши ва лойиҳалаштириши лозим. Бу эса таълим жараёнида маҳсулдор ўқув фаолиятини таъминлайди.

Таълим жараёни мураккаб жараён бўлиб унинг самарадорлиги биргина субъектив факторларга боғлиқ бўлиб қолмай, балки объектив факторлар ҳам муҳим роль ўйнайди. Таълим жараёнида марказий масалалардан бири педагоглар томонидан таълим материални тўғри танлаш ҳисобланади. Чунки тўғри танланган таълим материали бир қатор хусусиятларга эга. Биринчи хусусият: Таълим мазмунини тўғри белгилаш. Белгиланган таълим мазмунида билим, кўникма, малакани шакллантирувчи ўқув элементлари тизимли равишда ўз ифодасини топиши лозим.

Айнан танланган таълим мазмуни асосида таълимнинг мақсад вазибалари, методлари, воситалари, шакллари белгиланади. Ўқув материалининг иккинчи

хусусияти: Уни ташкил этиш шакллари билан узвий боғлиқ бўлиб, таълим амалий тажриба, ҳаётий мисоллар, оғзаки, кўргазмали ҳолда ташкил этилиши ва таълим мазмунини баён этишда тил муҳим роль ўйнайди. Таълимни баён этишда атамалар, унинг ёритиш стили, илмийлиги ўқувчиларнинг ўзлаштиришида асосий омил ҳисобланади. Ўқув материалнинг учинчи хусусияти унинг мураккаблик даражаси билан боғлиқ. Масалан: текстнинг содаллиги ўқувчиларни таълим мазмунини тез, осон қабул қилишига, мураккаб текст эса пассив қабул қилишига сабаб бўлади. Ўқув материалнинг тўртинчи хусусияти: таълим мазмунининг илмийлиги бўлиб, бунда унинг илм, фойдаланиш даражаси, қадрият тушунчаларини ўз ичига олади. Ўқув материаллари ўз аҳамиятига кўра амалий, гностик, маънавий, бадий, ижтимоий, тарбиявий хусусиятларни ўзида мужассамлаштириши лозим. Бешинчи хусусият: таълим мазмунининг мантиқийлиги бўлиб, бунда илмий асосланганлик, ўқувчиларда рационал тафаккурни шакллантириб боради. Олтинчи хусусият: таълим мазмунининг структуравий тузулиши бўлиб, оддийдан мураккаблик сари йўналтирганлик, ўқувчиларнинг индуктив ва дедуктив тушунчаларини шакллантириб боришга хизмат қилади. Ўқув материалнинг муҳим хусусиятларидан бири унинг белгиланган ҳажми бўлиб, у ўқув элементларини узвий боғлаб бориш асосида шаклланади. Унда асосий ва иккинчи даражали материаллар ўз ўрнини эгаллайдилар. Ўқув материалнинг эмоционал хусусияти ўқувчиларга таъсирчанлиги, қизиқишини ортиришида, енгил қабул қилишида муҳим ўрин тутди ва маънавий ахлоқий, эстетик, мафкуравий жиҳатдан тарбиялаб боради. Агарда ўқув материали мужмал, иккинчи даражали материаллар ёки чала –чулпа бўлса, ўқувчиларнинг ўзлаштириш жараёнига салбий таъсир кўрсатади.

Демак, олий ўқув юртларига белгиланган дарслик, қўлланмаларда ҳар бир таълим мазмунининг элементлари аниқ, тизимли, мантиқий жиҳатдан тугалланган, илмий жиҳатдан асосланган, яъни белгиланган тамойиллар асосида чоп этилиши барчага маълум. Таълим мазмунининг юқорида қайд этилган талабларга жавоб бериши педагогик технологияларнинг асосий дидактик вазифаларидан бири ҳисобланади.

Келинг, Тарбия фанидан чоп этилган айрим қўлланма ёки дарсликларнинг айримларини ташхислаш нуқтаи назаридан кўриб чиқайлик:

Бошланғич таълимда ”Тарбия” фанини ўқитиш методикаси. Т.2022. Чирчиқ давлат педагогика университети педагоглари Онахон Жабборова ва Зуҳра Умарова муаллифлигида яратилган қўлланма талабалар аудиториясида кенг миқёсда фойдаланилмоқда. Тақризчилар педагогика фанлари доктори, профессор Сафо Матчон, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори Дилдора Пўлатова фикрича, қўлланма талабалар аудиториясида ва бошланғич синф ўқитувчилари вამалака ошириш институтларида фойдаланиши мумкин деган фикр билдиришган.

Қўлланмани варақлар эканмиз муаллифлар камтароналик билан “Мазкур ўқув қўлланма илк бор яратилди ва унда камчиликлар бўлса, тузатиб фойдаланилади деган умиддамиз” деган сўзларни ўқиймиз.

Кўлланманинг 10-бетида қуйидаги жумлалар эътиборимизни тортди: ..Методиканинг ижобий ва салбийси бўлмайди, тарбия жараёнида маълум йўлни юқори даражада самарали ёки самарасиз дея баҳолаш мумкин эмас. (қаранг 4. Тарбия фанининг илмий тадқиқот методлари)

Мавзунинг ёритилишига эътиборимизни қаратсак, бу ерда талаба учун мужмал,ноаниқ жумлалар мавжуд. Авваломбор,муаллифлар таълим-тарбиянинг илмий тадқиқот методлари таълим мазмунида ёритилиши лозим,аммо муаллифлар тарбия методларини ёритишга ҳаракат қилишган. Бундай ҳолни кўлланманинг 92-бетида №8-мавзу:”Тарбия” фанини ўқитишнинг масафвий таълим шакли методикаси деб белгиланган. Аммо. Бу ерда асосий таълим мазмуни масафвий таълим шаклини ташкил этиш методикаси ҳақида сўз юритилиши лозим. Шунингдек бу бундай ҳолатни №9 мавзуда кўрамиз.

Муаллифлар №10 мавзунини “Тарбия” фанини ўқитишнинг электрон-модулли шакли методологияси деб номлаган. Бизнингча, мавзу “Тарбия” фанини ўқитишнинг электрон-модулли шаклини ташкил этиш методлари ҳақида сўз юритмоқчи. Авваломбор, метод ва методология тушунчаларини яхши ажрата билиши лозим.

Бундай ҳолатни Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети педагоглари педагогика фанлари доктори Абдуллаева Барно,Сайфутдинова, Турсунова Малика Бахтиёр қизи, Хайдарова Махлиё Хабибуллаевна томонларидан “Бошланғич таълимда тарбия фани” дарслигида ҳам кўрамиз.

Дарслик мазмун жиҳатдан Педагогика фанининг тарбия назарияси бўлимини ёритганлиги, аммо бошланғич синф хусусиятлари эътиборан четда қолганлигини кўрамиз.

Ҳар иккала адабиётларда энг муҳим аҳамиятга эга бўлган шарқона одоб-ахлоқ мезонлари ва таълим тарбия жараёнида бошланғич синфларда таркиб топтиришнинг педагогик масалалари ёритиб берилмаган.

Муаллифлар адабиётида ахлоқий категориялар нимадан иборат ва яхши ёки ёмон хислатлар ҳамда инсон фазилатлари, уларнинг моҳияти англаш бошланғич синфда қандай педагогик методлар,воситалар ва шакллар асосида эришиш масаласи очиқ берилмаган. Болаларда саломлашиш одоблари, мулоқат одоблари, жамоат жойда ўзини қандай тутиш одоблари, кийиниш одоблари, инсоний мунособатлар одоблари,ота онага бўлган мунособат одоблари, дастурхон атрофида ўтириш ва овқатланиш одоблари, катта ва кичикка бўлган одоблар, табиатга, ўсимликлар олами,сувга, ҳайвонат оламига ,умуман борлиққа бўлган мунособат одоблари масалалари асосий ўринни эгаллаши лозим деб ҳисоблаймиз.

Айниқса, Тарбия машғулоти асосида ўқувчиларимиз бошланғич синфлардан бошлаб инсон фазилатларининг асосий мезонлари бўлган виждон,масъулият,бурч, вазифа, эътиқод, шаън, ор-номус, диёнат,шарм, ҳаё, ибо,иффат, иймон, инсоф, ватанпарвар,лабз каби тушунчаларни мазмунан ўзлаштириб боришлари ва амалий жиҳатдан таркиб топтириб бориш мазкур фаннинг бош масаласидир. Ваҳоланки,

ушбу инсонийлик мезонларини тарбияланувчилардан кундалик ҳаётимизда талаб қиламиз. Ахир ҳар бир тарбияланувчи бола ватан олдидаги, ота- она олдидаги, табиат, жамият, инсонийлик, касбий бурчини, оиладаги бурчини чуқур англай оладиган шахс этиб тарбиялаш Тарбия фанининг мақсад вазифаларидан биридир. Бинобарин, бугунги кунда Ғарб оммавий маданиятининг таъсири, турли хил салбий муҳит, телефондаги материаллар ёшларимиз ҳулқи, ахлоқ одобига жиддий хавф солаётганлиги барчамизга маълум.

Муаллифлар ушбу Тарбия фанининг таълим мазмунини яратишида таълим – тарбияга оид республикамиз ва Ўрта Осиёда асрлар давомида яратилган тарбияга оид кўплаб адабиётлардан кенг ўринда фойдаланишлари лозим эди. Афсуски дарслик ва қўлланманинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида кўплаб тарбиявий кадрятларимизни ёритувчи адабиётларни учратмаймиз.

Масалан: Абу Али ибн Синонинг “Ахлоқ ҳақида рисола” асарида ҳар бир ахлоқий мезонлар ҳамда ижобий ва салбий ахлоқнинг юзага келишини ёритиб берган. Асарда ахлоқий мезонларга таъриф берилган. Аллома Абу Али ибн Сино инсон ҳулқи ҳақида сўз юритар экан, уларни яхши ҳислат ва ёмон ҳислатлар ҳамда инсониятга ҳос бўлган фазилатлар туркумига ажратади. Асарда инсониятга ҳос бўлган инсоф, виждон, ботирлик, эътиқод, бурч, масъулият каби кўплаб фазилатларга таърифлар берилган. Аллома инсон ҳулқида асосан меъёрга амал қилиш яхши ҳулққа олиб келса, меъёрдан чекиниш салбий ҳулқни шаклланишига олиб келишини мисоллар асосида ёритиб берган.

М. Murodovning Oltin sandiq ochildi китоби Тарбия фани ўқитувчиларининг стол устидаги асосий китобларидан бири бўлиб қолиши лозим. Keling, kitob sahifalariga ko`z yugurtiraylik:

...Salom berganda, o`ng qo`lingni ko`ksinga qo`yib, ta`zimda bo`l! Yoshi ulug` qo`lini uzatgandagina, sen xam o`ng qolingni ber. Boshqa payt “Assalomu alaykum” deyish bilan cheklan. O`zidan kattalarga birinchi bo`lib qo`l uzatish, ostonoga besalom qadam qo`yish, kishilar oldidan salom bermay o`tish, qo`l berib ko`rishganda uning yuzi-ko`ziga boqmasdan boshqa tomonga qarab turishlik yoki hamroxining qo`lini uzoq siqib turishlik va ovozi boricha baqirib salomlashish ayb sanaladi, xorijiy tilda salomalik qilish (chao, privet, zdorovo, o key va boshqalar) kabilar xam odobdan emas. (M. Murodov. Oltin sandiq ochildi. T. 1994y.)

...Oqil bobo aytadi: Aziz o`g`il qizlarim! Inson xayotini charag`on, umrini bezagan ham vaqt. Shunday ekan, vaqtni behuda ishlarga ketkazmang, qadrsiz o`tishiga yo`l qo`ymang. Uni foydali ishlar—kitob mutolasiga, hunar o`rganishga, mexnat qilishga sarflang, keyin pushaymon tortmaysiz. (M. Murodov. Oltin sandiq ochildi. T. O`qituvchi. 1994 y.)

Бошланғич синфларда Тарбия фанинг таълим мазмунидан Т. Курбоновнинг Одобнома қўлланмаси ҳам ўз ўрнини эгаллаши мақсадга мувофиқдир. Муаллиф айнан бола тарбиясида ахлоқий кадрятларимизни ҳар томонлама, кенг ёритиб

берган, педагогик қийматга эга бўлган асарини дарс жораёнида четлаб ўтиш мумкин эмас. Бошланғич синфда моддий неъматимиз бўлган нонни эъзозлаш ва нонга мунособатни шакллантириш одоби ахлоқий қадриятларимиздан биридир. Бу масалага муаллиф қуйидагича болажонларга насийҳан беради: ...xalqimiz nonni tirikchiligimiz manbai, xayotimizning ziynati, rizqi-ro`zimiz, deb e`zozlaydilar. Nonni xamma narsadan ustun qo`yadilar, dasturxondagi nonning ustiga boshqa taomni qo`yish beodoblik sanaydilar. Non qo`lidan tushub ketsa, yoki uvog`i tushsa, darxol erdan olib ko`ziga surtadilar, bohsqa birorta taom nondek aziz ko`rilmaydi. Qadimda ota bobolarimiz farzandlarini yoshligidan nonni e`zozlash, nonga xurmat va e`tibor ruxida tarbiyalaganlar. Non to`y-tamoshalarimizdan boshlab ma`raka, mexmondorchiliklarimizni bezovchi, dasturxonimizdagi noz-ne`matlarning sardoridir. Dasturxonga biron noz ne`mat, meva-cheva qo`yilmay qolishi mumkin, ammo non qo`yilmasdan dasturxon tuzalmaydi. T. Qurbonov. Odobnoma. (qo`llanma) T. O`qituvchi. 1991 y. 49-50bet.

Бошланғич синфларда тарбия масаласи юзасидан дарслик, қўлланмалар ҳақида сўз юритар эканмиз, Обиджон Махмудов Фарзанднома Т; 2005, Одобнома Т. 1994., У. Кайковус Қобуснома, Абдулла Авлоний Туркий гулистон ёхуд ахлоқ Т. 1992., Жондор Туленов Қадриятлар фалсафаси Т. 2004, Улфат Махкамов Тарбиявий ишлар методикаси, Ойнисо Мусурманова Хадислар маънавият манбаи, Ўзбек халқ эртаклари, Ўзбек халқ мақоллари ва бошқа кўплаб тарбияга оид дурдона асарларни четлаб ўта олмаймиз. Афсуски, дарслик ва қўлланмаларда фойдаланилган бу адабиётларни учратмаймиз. Бошланғич синфларда тарбия тарбия мазмуни ҳақида фикр юритар эканмиз, тарбия мазмунининг “калорияси”нинг юқорилиги муаллифлар томонидан ўринли ва асосли фойдаланилган манбаларга боғлиқ. Аммо дарслик ва қўлланмада бошланғич синфларда тарбияга оид бўлмаган адабиётлар талайгина.

Маълумки, мазкур Тарбия фани бошланғич синфлар учун ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида, шарқона ахлоқ одобини илмий педагогик жиҳатдан ташкил этиш асосида татбиқ этилмоқда. Ёш авлодда онгли ахлоқ, маданият, маънавияти билан юртимизга хавф солаётган оммавий маданиятга қарши кураша олувчи тарбиявий, ахлоқий, маънавий иммунитетини шакллантириш бошланғич синф педагоглар армиясининг долзарб вазифаси ҳисобланади. Атоқли маърифатпарвар, жадидчилик ҳаракатининг номаёндачиси Абдулла Авлоний тарбиянинг ёш авлод ҳаётидаги ролини бебаҳо деб ҳисоблар экан, бугунги кунда ҳар бир таълим муассасалари деворида турган шиори: Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамонт, ё нажот-ҳалокат, ё саодат- ё фалокат масаласидир ҳар бир педагогларимизнинг касбий бурчи, вазифаси эканлигини унутмаслигимиз керак. Аждодларимиз мероси бўлган мақолларимизда Одоб олтиндан қиммат, инсон-одоби билан, осмон офтоби билан, болани ёшдан ўргат, отни бошдан, тарбия ота-онадан қолувчи улкан мерос каби панд насийҳатлар билан бизни огоҳлантиради. Демак, ушбу фаннинг болажонларимиз камолотидаги моҳияти чуқур англаган ҳолда дарслик ва қўлланмаларимиз педагогик

технологиянинг бош вазифаси бўлган нимани ўқитмоқ керак? масаласини илмий педагогик жиҳатдан тўғри ҳал қила олишимиз ва шундан сўнг тарбияни қандай ташкил этишимиз керак? масаласини самарадорли ҳал этиш бошланғич таълим педагогларининг жамиятимиз олдидаги долзарб масаласи барчамизга маълум.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Нега мактабларда таълим сифати паст?
<https://www.uzanalytics.com/jamiyat/5110/> 2.
- Uzoqov, I. E., & Bahodirova, N. G. O. Q. (2022). Tovarlar kimyosi ixtisosligida oziq-ovqat mahsulotlarining kimyoviy tarkibining o'ri. *Science and Education*, 3(12), 365-368. 3. Uzoqov, I., & VA, X. S. M. P. I. KOMPONENTLIK//INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL.–2022. T, 3, 242-248. "Science and Education" Scientific Journal / www.openscience.uz November 2023 / Volume 4 Issue 11 ISSN 2181-0842 / Impact Factor 3.848 286 4.
- Sarikulov, M. X., Uzoqov, I. E., & Lapasova, Z. K. Q. (2022). Oliy ta'lim muassasalarida yosh kadrlarni sifatli inklyuzif o'qitishni rivojlantirish va yetuk kadrlarni tayyorlash. *Science and Education*, 3(6), 784-788.
5. Хунаров, А. М., & Узаков, И. Э. (2022). Современные проблемы экологического районирования. *Science and Education*, 3(9), 218-223